

КОНСТИТУЦИЯ ВА ТЕНГЛИЛИК ПРИНЦИПИ ЖАМИЯТ НИГОҲИДА

Луиза Туганова

Чирчиқ давлат педагогика университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Аниқ ифодаланган конституциявий стандартлар мавжуд бўлганда имкониятларнинг тенглигини, тенглик сиёсатини олиб бориш орқали таъминлаш керак эканлиги аниқ намоён бўлади. Иккала жинс вакиллари учун ҳам имкониятларнинг чекланишига қаратилган тизимли равишда дискриминацияга қарши давлат сиёсатини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Ушбу мақолада жамиятда конституция ва тенглилик принципи тўғрисида таҳлил этилади.

Калит сўзлар: глобаллашув, аёл, ҳуқуқ, аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглик, фаол, янги Ўзбекистон, хотин-қизлар фаоллиги, ижтимоий, жамият, демократик ислохотлар.

ABSTRACT

When there are clearly defined constitutional standards, it is clear that equality of opportunity must be ensured through a policy of equality. It is advisable to pursue a systematic antidiscrimination policy aimed at limiting opportunities for both sexes. This article analyzes the constitution and the principle of equality in society.

Keywords: globalization, women, law, women's rights, gender equality, asset, new Uzbekistan, women's activism, social, society, democratic reforms.

КИРИШ

“Қонун” бу тушунчанинг нақадар кенглигини тушуниш ва ўрганиш учун йиллар, балки асрлар ҳам камлик қилиши мумкин. Жамият илк босқичларида ҳам маълум маънода қонунлар асосида ривожлана бошлаган. Давлатларнинг пайдо бўлиши билан “Конституция” тушунчаси юзага келган ва такомиллашиб жамиятнинг асосини ташкил эта бошлаганлиги ҳозирги куннинг қонунларга асосан бошқарилишини ўша даврдан бошлаб таъминлаб келинганлигини гувоҳи бўламиз.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Аёлларнинг гендер тенгликка эришиш каби масалаларни тадқиқ этишда Мустақил Давлатлар



Ҳамдўстлиги тадқиқотчилари томонидан аёллар фаоллиги, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тараққиётда тутган ўрни хусусида қатор монографик тадқиқотлар эълон қилинган. бу борада Н.Иванова, М.Мартин, И.Грошев, С.Пригожина, Л.Попова каби файласуфларнинг илмий изланишларини намуна қилиш мумкин. Ушбу тадқиқотлар мавзумиз доирасидаги аёллар масъуллиги, жамият тараққиётида тутган ўрни каби муаммони қисман тадқиқ этишда маълум даражада назарий асос бўлди. Аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллиги масалалари ҳамда аёл ҳуқуқлари ва ижтимоий мавқеи масалаларини С.А.Ахроров (Ўзбекистонда аёллар ижтимоий фаоллигини ошириш), Н.Д.Жўраева (Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида хотин-қизларнинг ўрни), Н.М.Муравьёва (Аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш масалалари), Г.Б.Ўразалиева (Гендер муносабатларининг аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш) каби олимлар илмий-методологик жиҳатдан тадқиқ этишган.

Биз гендер тенглик муаммоларини таҳлил қилар эканмиз, жинслар ўртасидаги табиий-биологик фарқлардан эмас, балки ижтимоий фарқлардан келиб чиқдик. Гендер ижтимоий табақаланишнинг асосий тамойилларидан бири сифатида қаралади, чунки эркаклик ва аёллар нафақат бошқача, балки шундай тарзда шаклланганки, биринчиси доминант, иккинчиси эса бўйсунувчи. Бугунги замонавий глобаллашув жараёнида гендер тенглик муаммоларини ўрганишда аксиологик таҳлил, қиёсий усуллардан фойдаландик.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Жамиятнинг тараққий этиши, бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиши каби ижтимоий-тарихий жараёнларда аёллар муаммоси турли кўринишларда юзага келади. Қадимда юнон файласуфлари Сукрот, Арасту, Афлотун каби олимлари энг яхши давлат сифатида жамиятда тенглик ва адолат ҳукм сурган полисни назарда тутишган. Энг яхши қонунлар сифатида ҳам барча тенглигини кафолатлаган қонунларни илгари суришган. Эркак ва аёллар тенглиги ғоясини юнон олими Антифонт ўз асарларида қўллаган ҳолда: «Табиат барчани: аёлларни ҳам, эркакларни ҳам тенг қилиб яратади, лекин одамлар инсонларни тенгсиз ҳолатга солувчи қонунларни ишлаб чиқишади», деб таъкидлаган[1].

Ҳозирда дунё бўйича ишсизларнинг 60 фоизини аёллар ташкил қилади. Уларнинг 40% ни олий маълумотга эга эканлигини таъкидлаш зарур. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2017 йил 13-24 март кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтган бутун дунё бўйлаб хотин-қизлар мавқеини мустаҳкамлашга бағишланган

йиғилишда 47 та мамлакат фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг фаол иштирокида хотин-қизларнинг яшаш шароитларини, турмуш тарзини яхшилаш, мавқеини мустаҳкамлаш йўллари белгилаб бериш таклифи киритилди[2, 6].

Адолатли жамиятнинг энг муҳим қадриятларидан бири бу тенглик принципи бўлган ва шундай бўлиб қолади, унга кўра жамиятнинг барча аъзолари учун тенг шароитлар яратилиши керак. Тенглик ғояси Ж.Ж.Руссонинг қарашларида баён этилади. Унинг сўзларида ҳамма одамлар эркин туғилдилар деб таъкидланган бўлиб, бу қарашлар кўпгина конституциявий ҳужжатларда ўз аксини топди ва шу тариқа нафақат сиёсий, балки ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлди[3].

1970 йилдан бошлаб Европада аёлларнинг сиёсий лавозимдаги вакилликда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Сиёсий партиялар бу ўзгаришларни амалга оширишда сиёсий идоралар учун кадрлар тайёрлашда асосий рол эгаллайди. Кўпгина мамлакатларда аёлларнинг сайланган лавозимлари кўпайишидан аввал сиёсий партияларнинг ўзларида ўзгаришлар содир бўлган[4].

Ўтган асрнинг 70 – йиллар охирида бир қатор мусулмон мамлакатларида ҳам минтақавий конвенция доираларида инсон ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган халқаро – ҳуқуқий актлар қабул қилишга урунишлар бўлган. Мусулмон дунёсида 1980 йилда қабул қилинган “Умумжаҳон Ислом декларацияси” инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоялаш ва таъминлаш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилган халқаро – ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиб қолди[5].

Ҳозирги вақтда давлат ва халқ ўртасидаги муносабатларда тенглик тамойилини тан олиниши ва бу тамойилни ҳаётга тадбиқ этилиши учун барча зарур саъй – ҳаракатлар амалга оширилмоқда ва шу шарт билангина давлат демократик деб тан олиниши ва ўзининг шундай позитцияга эга бўлиши мумкин. Шунинг учун жамиятда тенгликка эришиш нафақат давлатга, балки унинг фуқароларига ҳам боғлиқ бир қатор объектив ва субъектив ҳолатлар эканлиги, уларнинг доираси эса жуда кенглигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Бу, албатта, эркак ва аёл ўртасидаги муносабатларга ҳам тегишли. Тарихий жиҳатдан жамият ва давлат тараққиёти билан янги дунёқарашнинг шаклланиши, турли соҳалардаги ўзгаришлар ҳаётнинг ҳар бир соҳасида эркаклар ва аёлларнинг ўзаро таъсири сифатида амалиётда намоён бўлмоқда ва чуқур ички трансформацияни бошдан кечирмоқда[6]. Бу эса ўз навбатида тенглик ҳолатининг ўзига хос кўрсаткичи сифатида жамиятда ҳаракат қилиш, эркак ва аёлнинг ҳуқуқ ва

эркинликларнинг тенглик тамойили келажакнинг ривожланишида ҳал қилувчи омил бўлиши мумкин бўлган жинслар ўртасидаги жуда характерли муносабатларни очиб беради. Ҳар қандай давлат ва жамиятда тенглик тушунчасининг асосий хусусиятларини мужассамлаштира олиши ва умуман олганда унинг моҳияти ва мазмунини ўзида акс эттиришга интилиши лозим. Эркак ва аёллар тенглигини ижтимоий – ҳуқуқий ҳодиса сифатида баҳолар экан, шуни таъкидлаш керакки, у мавжуд ижтимоий муносабатларни тавсифлайди.

Маълумки, тенгсизлик сабабли жамиятнинг шаклланишига тўсқинлик қилувчи барча тушунчаларга барҳам бермоқ лозимлигига қаратилган саъй – ҳаракатларни амалга оширишда эса қонунларнинг ўрни белгиланганлигини, жамиятда гендер муносабатларига нисбатан кучли эътиқод шаклланишини таълим тарбия орқали амалга оширилаётганлиги бунга далолатдир. Оила ва жамиятда жинсни ҳурмат қилиш анъаналари бу қийин вазифани ҳал қилиш чораларини давлат билан биргаликда амалга ошира олиши тўғрисида айтиб ўтилади.

Асосий қонунимизда биринчи навбатда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилганини яна бир марта таъкидлаб ўтиш ўринли... Айнан ана шу қатъий талабни нафақат қонунларимиз ва ҳуқуқий меъёрларимизда белгилаб бериш, балки бу устувор принципни ҳаётимизга татбиқ қилиш ўта муҳим аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда инсон манфаатлари давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Шунингдек, инсон қадри улуғланиши, барча ислохотлар инсон манфаатлари учун олиб борилмоқда. Бу масала Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ҳам алоҳида йўналиш сифатида белгиланган.

Асосий қонунимизнинг 13-моддасида давлат органларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги ваколатлари, шунингдек 15-моддасида фуқаролар ўзини - ўзи бошқариш органларининг, нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги иштироклари белгиланган[7]. Жумладан мамлакатимизда давлат бошқаруви соҳасида ёхуд тадбиркорлик соҳасида кўзга ташланган ўзгаришлар мисолида намоён бўлмоқда.

Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳисобланади. Мамлакатимизнинг тараққиёти жамият аъзоларининг



ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришни долзарб вазифа қилиб қўяр экан, шу ўринда аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, зеро улар аҳолининг 51 фоизини ташкил этадилар[8]. Шиддат билан ривожланаётган бу даврда айниқса аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, унинг соҳаларда олиб борилаётган ҳуқуқий ўзгаришлардан боҳабар бўлиши, аёлнинг нафақат келажак авлод тарбиячиси балки жамият тарбиячиси сифатида намоён бўлишда ўз аксини топмоғи лозим.

Конституция қонунлар мажмуи эмас, у ягона ғоя, мантиқ, ўзак йўналиш билан йўғрилган яхлит, буткул бир ҳужжат ҳисобланади. Бош қонуннинг фазилатини, моҳияти ҳамда табиатини унинг нормалари ва тартиб – қоидалари, Конституциянинг умуминсоний қадриятларга содиқлиги, унда инсон ҳуқуқлари нечоғлик ҳимояга олинганлиги билан ўлчаш одат бўлиб қолган. Конституцияда мустақкамлаб қўйилган қоидаларни демократия тошу тарозисидан тортиб кўриб, ишонч билан айтиш мумкинки, жамиятнинг барча соҳалардаги тенгликка асосланган муносабатлари кафолатлаб қўйилган.

Хусусан Конституциямизнинг 18-моддасида инсон ҳуқуқлари жаҳонда етакчи мақомга эга эканлиги, асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг рағбатлантирилиши ҳамда ҳимояланиши, янада муҳимроғи, жамиятда ҳар бир инсон ҳуқуқлари кафолатларининг амалдаги тизимининг ташкил этилиши ҳуқуқий давлат қуришнинг бош шarti ҳисобланганлиги шахснинг дахлсиз хусусияти сифатида изоҳланган. Инсон ҳуқуқлари асосида инсон шахси қадрияти туради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 18-моддасининг 2-қисмида “имтиёзлар фақат қонун билан белгилаб қўйилган ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” лиги таъкидланади. Мазкур қоида Ўзбекистон қонунчилиги ҳужжатларининг бутун бир туркумида мустақкамлаб қўйилган. Уларга биноан фуқароларнинг фақат айрим қатламлари – нафақахўрлар, ногиронлар, хотин – қизлар, болалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимларига фақат Қонунга мувофиқ бирор – бир имтиёз берилиши мумкин.

Шу маънода асосий қонунимизнинг 46-моддаси ҳам тенглик принциpigа асосланади. Хотин – қизлар ва эркалар тенг ҳуқуқлилиги талабининг Конституцияга киритилиши муҳим асосга эга, негаки БМТнинг 1979 йилги “Аёллар ҳуқуқларининг барча турларини камситишга барҳам бериш тўғрисида”ги Конвенция талабларига кўра “Давлатлар ўз конституцияларига жинсий тенглик тўғрисида алоҳида қоидалар киритишлари зарур”.

Хотин – қизлар ва эркаклар тенглиги тарихий ютукдир ва унга асосан жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, ижтимоий ҳаётида ҳақиқий жинсий тенгликка эришилади.

Аёллар билан эркаклар тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш мақсадида давлат қўшимча чора – тадбирларни амалга ошироқда. Аёлларга билим олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, унинг тенг ҳақ олиш, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиш, маълум бир имтиёзларга эга бўлиш учун эркаклар билан тенг имкониятлар берилган. Аёлларнинг оиладаги ўрни, жисмоний имкониятлари ҳисобга олиниб уларга меҳнат қилишда, соғлиғини сақлашда, маълум бир мансабларни эгаллашда, ижтимоий ҳимояланишда, соғлом авлодни ўстиришда, ҳуқуқий ҳимояланишда, оналик ва болаликни қўллаб – қувватлашда лозим бўлган шарт – шароитлар ва имтиёзлар яратилган.

Хотин – қизлар ва эркаклар тенглигини етарли даражада таъминлаш ва кафолатлаш ҳар бир демократик давлатнинг устувор вазифаларидан биридир. Конституцияда бу тўғрисида махсус норманинг мавжудлиги давлатимизнинг чинакам демократик давлат эканлигининг кафолатидир[9].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Аёлларнинг жамиятдаги мақеини ошириш учун таълимга, молиявий ресурсларга, сиёсий ҳаётда иштирок этиш учун ҳақиқий имкониятларни яратиш зарур. Бу БМТ, ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, ХМТ каби халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган механизмлар мавжуд бўлиб, уларни мамлакатимизга татбиқ этишни кучайтироқ лозим. Гендер тенглигини таъминлашнинг мукамал институционал асосларини яратиш, шу жумладан ушбу мақсадлар учун тегишли молиявий ва инсон ресурсларини ажратиш даркор. Анъанавий гендер роллар билан боғлиқ стереотипларни йўқ қилишга эришиш учун жамият ҳаётининг барча соҳаларига гендер тенглиги ва гендер стандартлари тамойилларини ҳар томонлама сингдириш, кенг маърифий тадбирлар орқали гендер стереотипларини йўқ қилишга кўмаклашиш зарур. Фуқаролик жамияти, хусусан, нодавлат ташкилотларининг ролини ошириш, хотин-қизлар ва ёшлар ҳаракатлари билан конструктив мулоқот ўрнатиш гендер муаммоларини бартараф этишда самарали ҳамкорликдир.

Шунингдек, дунёда гендер тенглиги ва аёлларнинг имкониятларини кенгайтиришга эришиш керак. Бу нафақат аёлларга, балки бутун инсониятга фойда келтиради. Бу борада дунёнинг турли мамлакатларидаги аёллар ўртасида халқаро ҳамкорлик кучайиб, хилма-хил шаклларга эга: тажриба алмашиш учун

қўшма тадбирларни ўтказиш, аёлларни сиёсий ва иқтисодий қарамликдан озод қилиш учун глобал аҳамиятга эга бўлган стратегияларни ишлаб чиқишдан тортиб, энди ривожланиб бораётган миллий аёллар ҳаракатларини моддий қўллаб-қувватлашгача бўлган саъй-ҳаракатлар мамлакатларнинг гендер тенглигига эришишда ўз хиссасини қўшмоқда.

REFERENCES

1. Чвыкалов В.В. Гендерное равенство в праве. – Краснодар: 2012.
2. Доклад заседания ООН, посвященный укреплению статуса женщин по всему миру. - Нью-Йорк, 2017.С.-6.
3. Крылов Б.С. Проблемы равноправия и равенства в российском конституционном праве // Журнал российского права. 2002. № 11. С. 3.
4. European Expert Network Women in Decision-Making // «Participation of women in four political groups in the European Parliament». 1994 г
5. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ” - Тошкент: “Ўзбекистон” 2001 йил Б.90
6. Зайков Д.Е. Развитие принципа равенства прав и свобод мужчин и женщин в советский и постсоветский периоды // История государства и права. 2011. № 18. С. 18.
7. <https://yuz.uz/news/yangilanayotgan-ozbekistonda-gender-tenglikning-huquqiy-asoslari>
8. Уразалиева Г. Гендер ва аёллар ҳуқуқий маданияти. – Тошкент: 2009. – Б.3.
9. “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳ” - Тошкент: “Ўзбекистон” 2001. – Б.252-254
10. Доклад заседания ООН, посвященный укреплению статуса женщин по всему миру. - Нью-Йорк, 2017.С.-6.
11. Tuganova Luiza Djurayevna (2022). Reforms to protect the rights and interests of women in the renewed Uzbekistan is a priority direction of state policy. Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS). Volume 3, Issue 12, Dec., 2022. – pp. 1014-1021.
12. Bekbayeva Durдона Djurayevna (2022). The significance of the implementation of five initiatives in the development of youth spirituality in the new Uzbekistan // Web of Scientist: International Scientific Research Journal (WoS). ISSN: 2776-0979, Volume 3, Issue 12, Dec., 2022. – pp. 1007-1013.
13. G.S. Rahmonova (2022). Theoretical and methodological fundamentals of developing non-standard thinking in students // Theoretical & Applied Science, 04 (108), 2022. – pp. 565-572.

